

НАМАНГАН ЗАМИНИ ЕТИШТИРГАН БУЮК ЎҒЛОН.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

“Хотира ва кадрлаш” бўлими мудири **Д. Шайхитдинова.**



Абдусаттор Рахимов.

Аннотатсия.

Бу саҳифаларга битилаётган ҳар бир сатр — оддий тарихий маълумот эмас. Бу сатрлар ортида бир инсоннинг тақдири, бир авлоднинг фидойилиги, бир халқнинг шарафи мужассамдир.

Бу ҳикоя орқали биз ўтмишга қайтамиз, аммо фақат хотира учун эмас — ибрат учун, сабоқ учун, келажак авлод қалбида Ватанга муҳаббат уйғотиш учун қайтамиз. Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли синовлардан бири бўлди.

Бу уруш миллионлаб инсонларнинг ҳаётини олиб кетди, бутун шаҳарлар ва тақдирларни вайрон қилди.

Аммо шу қонли йилларда инсон руҳининг буюк қудрати, Ватанга садоқат ва жасорат қандай улуғ куч эканини бутун дунё англаб етди. Фашизмга қарши кураш майдонида турли миллат ва халқлар фарзандлари елкама-елка туриб, ягона мақсад — озодлик ва адолат йўлида жанг қилдилар. Ана шу улуғ кураш сафида ўзбек халқи ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Минглаб ўзбек ўғлонлари қўлига қурол олиб, фронтларда мардона жанг қилди, миллионлаб юртдошлар фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабани яқинлаштирди. Ўзбек халқи учун бу уруш фақат тарихий воқеа эмас, балки миллий матонат, сабр-тоқат ва ватанпарварлик мактаби бўлди.

Шу қаҳрамонлар орасида Наманган замини етиштирган буюк ўғлон — Абдусаттор Раҳимовнинг номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. У 1920 йил Наманган шаҳрида туғилди.

Урушга қадар у оддий меҳнаткаш, “Шарқ ширинликлари” артелида ширапазлик қилиб, ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечирарди. Унинг қўлида қурол эмас, қошиқ ва қозон бор эди. Аммо тақдир уни тинч меҳнатдан жанг майдонига олиб чиқди.

Уруш Абдусаттор Раҳимовни бутунлай бошқа инсонга айлантирди. У қисқа вақт ичида моҳир артиллериячига, ўз тўпининг ҳақиқий устасига айланди. Москва учун, Киев, Харьков, Виница, Корсун–Шевченковский, Днепр бўйларидаги даҳшатли жангларда у ўз жонини аямай, душманга ҳалокатли зарбалар берди.

Унинг ҳар бир ўқи ортида нафақат ҳарбий маҳорат, балки Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, халқ тақдири учун жавобгарлик ҳисси турар эди. Днепр бўйларидаги жанглар унинг жасоратининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди.

Душман пулемётлари жангчилар йўлини тўсиб қўйган, ҳар бир қадам ўлим билан тенг бўлган бир пайтда, унинг тўпи жанг тақдирини ҳал қилди. Демидовка

яқинидаги ботқоқликда эса у ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, олти стволли миномётни йўқ қилди ва бутун бир бўлинмани ҳалокатдан сақлаб қолди.

Бу жасоратлар бекиёс эди. 1944 йил 10 январда Абдусаттор Раҳимовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Унинг кўкрагидаги “Олтин Юлдуз”, Ленин ордени, Қизил Байроқ ва Ватан уруши орденлари — бу фақат шахсий мукофот эмас, балки Наманган заминининг, бутун ўзбек халқининг шараф рамзи эди.

Бу ҳикоя орқали биз фақат бир қаҳрамоннинг ҳаётини эмас, балки бутун бир авлод тақдирини, уруш йилларида шаклланган матонат, садоқат ва ватанпарварлик руҳини англаймиз.

Чунки бундай қаҳрамонлар хотираси — миллатнинг маънавий таянчидир. Хотира яшаса — халқ яшайди. Хотира сақланса — келажак мустаҳкам бўлади.

Абдусаттор Раҳимов 1920 йил Наманган шаҳрида туғилган. Уруш бошлангунга қадар Абдусаттор Намангандаги “Шарқ ширинликлари” артелида ширапазлик қиларди. Урушгача ҳеч ким , ҳатто отаси ҳам уста ширапаз Абдусаттордан моҳир артиллериячи чиқади , деб ўйламаган эди.

Раҳимовнинг уруш давридаги матонатидан илҳомланган ҳарбий журналист, старший лейтенант Тельканов ўз мақоласида :”Раҳимов уруш даврида юзлаб фашистни ер тишлатди. Душманнинг ўнларча пулемётларини, миномётларини, замбаракларини ва автомашиналарини яксон қилди. Агар ҳафсала билан ҳисоблаб чиқилса , Раҳимовнинг замбараги туфониға дучор бўлиб, ер билан яксон қилинган қурол аслаҳалар бир неча взводни қуроллантириши мумкинлигига ишонса бўлади, - деб ёзган эди

Раҳимов Москва учун, Киев, Харьков, Виноциани душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда душман билан мардона олишди. У Корсун - Шевченковский районида даҳшатли жангларда қатнашди. Руминия, Венгрия, Чехославакия учун бўлган жангларда иштирок этди ва гитлерчиларга катта талафот етказди....

...Кўхна Днепрнинг ғарбий соҳилида душманнинг уч – тўртта пулемёти бизни жангчиларимизни тинмай ўққа тутиб тургани учун дарёдан кечиб ўтиш жуда

қийинлашди. Шу оғир дақиқада Раҳимовнинг тўпи тилга кириб, душман пулемётларини мулжалга олиб бирин – кетин уриб ишдан чиқарди. Жангчиларимиз душманнинг тўрт пулемёт нуқтасининг кули кўкка совурилганини кўриб завқландилар ва фурсатдан фойдаланиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олдилар. Гитлерчилар буни сезиб қолгач, жон – жаҳди билан қарши хужумга кўтарилди. Раҳимов дарё қирғоғида туриб ўз тўпидан душман устига снаряд ёғдира бошлади. Моҳир тўпчининг мулжал билан отган снарядлари душман аскарларини қирди, тўп ва пулемётларини мажақлади.



Днепр дарёси бўйларидаги ниҳоятда даҳшатли жанглار совет кўшинларининг ғалабаси билан якунланди. Гитлерчилар чекина бошладилар, аммо қулай позитсияларни эгаллаб, мудофаага ўтар, янги кучлар тўплаб, қаршилиқни давом эттирар эди. Украинанинг пойтахти Киевга бораверишда Демидовка қишлоғи яқинидаги ботқоқлик артиллериячиларимизни олдинга силжишига анча халал берди. Бундан фойдаланган душман ботқоқликнинг нариги томонидаги уйларнинг орқасига жойлашиб олиб, у ердан олти стволли миномёт билан муттасил мина ёғдириб турарди. Не қилиб бўлса ҳам, бу миномётни йўқ қилиш керак эди. Уни йўқ қилишни ҳам Раҳимов ўз бўйнига олди. У ярим кечада жанговар дўстлари билан ўз тўпини жуда қийналиб бўлсада, ботқоқликдан чиқарди ва миномёт турган томонга

тўғрилаб бирин – кетин бир неча снаряд узди. Орадан сал фурсат ўтмай миномётнинг уни ўчди. Раҳимов ўз уртоқлари билан душман позитсиясига борганда жуда қизиқ манзарани кўрди. Душманнинг олти стволли миномёти жойлашган уй ичида 40 дан ортиқ фашист бир – бирининг устига қалашиб ётар эди.

Раҳимовнинг тўпчилари Киев учун бўлган жангларда жанговар шухратни яна бир бор намоёиш қилдилар.



Иккинчи жахон урушида Воронеж фронти 38- армиянинг 340-ўқчи дивизиясининг тўпчиси бўлиб хизмат қилган Абдусаттор Раҳимов Киев учун олиб борилган озодлик курашида жонини ўйламай қилган жасорати ҳамда Днепр дарёси бўйларидаги матонатли кураши жасоратлари учун 1944 йил 10 январда Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига сазовор бўлди. Унинг кўкрагидаги жанговар Қизил Байроқ ордени, биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари ёнига Ленин ордени билан “Олтин Юлдуз” медали қўшилди.

2 – Украина фронти қўшинларининг кумондони , Совет Иттифоқи маршали Малиновский 1945 йилнинг 8 январда “Қизил Ўзбекистон” газетасига ёзган мактубида бундай деган эди:

Хурматли ўртоқ муҳарир!

Ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги рус, украин, белорус ва бошқа халқларнинг фарзандлари билан бир қаторда , немис – фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонларча жанг қилаётган ўғил – қизлари ҳам ватанимиз тарихига шонли саҳифалар ёздилар. Қўшинларнинг турли сафларида ва бизнинг фронтимизда ўзбек жангчилари, сержантлари ва офитсерлари мардлик ҳамда жасурлик, Ватанга садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ўзбек халқининг совет қуролини шон – шарафларга қоплаган фарзандларидан , ботир ва қаҳрамон жангчилардан бири фронтимизнинг тўпчи - наводчиги , младший сержант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Раҳимовдир. Младший сержант жанглarda кўркмасдир . Москвани мардона ҳимоя қилди, бутун Украина бўйлаб шонли жанговар йўлни босиб ўтди. Абдусаттор Раҳимов Руминия, Венгри территориясида қаҳрамонларча олишди, ҳозир эса немис – фашист босқинчиларини Чехославакия тўпроғида қириб ташламоқда.



Младший сержант Раҳимовнинг ҳисобида юзлаб ўлдирилган гитлерчилар, кўпгина замбарак ва автомашиналар , танклар, транспортёрлар бор.Раҳимов жанглarda уч марта ярадор бўлди.Ватандошингизни кўксини Ленин ордени ва

“Олтин Юлдуз” медали , Қизил Байроқ ордени ҳамда иккита Ватан уруши ордени бегаб турибди.

Ўзбек халқи серқўёш Ўзбекистон баҳодирларининг - ўз жангчилари, сержантлари ва офитсерларининг қаҳрамонона курашини билиши керак.

Ўзбек халқи ўзининг содиқ фарзанди билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

2 – Украина фронти қўшинларининг қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали Р.Малиновский.

2 – Украина фронти Ҳарбий Советининг аъзоси, генерал лейтенант М.Стахурский.

Ҳаракатдаги Армия, 1945 йил, 8 – январь.

Фронт қўмондони душманга қарши курашда ўрнатқўрсатган жангчи, сержант ва офитсерлар билан оталарча суҳбатлашар, ҳукумат ордениларини топширар, уларни яна ҳам бардам туриб курашишга илҳомлантирар эди.

Клуз ёнидаги жангларда қўрсатган мардлиги ва матонати учун Абдусаттор Раҳимов иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланганда , Совет Иттифоқи Қаҳрамони Маршали Р.Я. Малиновский Ватан уруши орденини топшириш муносабати билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони Младший сержант Раҳимовни қабул қилди. Маршал ярим соатлик суҳбат вақтида Раҳимовга унинг жанговар ишлари, ўртоқлари, эл – юрти ва оиласи тўғрисида саволлар берди.

-Айтингчи, жанглар қандай боришти, қандай муваффақиятлар бор, қуролларингиз яхшими?

- Муваффақиятларимиз бор.Қуролларимиз аъло даражада ишлайди, ўртоқ маршал.



- Артиллериячимисиз?

-Худди шундай, “ЗИС” тўпининг наводчигиман.

-Бу тўп билан қанчадан бери жангда қатнашияпсиз?

- Бир йил бўлди. Илгари “полковушка”(76 ммли “ЗИС” тўпи, илгари қўлланиб келинган 76 мм ли тўпни “полковушка деб ҳам атар эдилар) да жанг қилар эдим,

- Қайси бири сизга кўпроқ ёқади – “ЗИС”ми ёки “полковушка”ми?

- Албатта “ЗИС”, унинг снаряди “Тигр”нинг зирқини осонгина тешиб ўта олади., тўппа -+ тўғри мўлжалга олиб олишга жуда қулай, қулинг ўргулсин қуролда!

Маршал бундан ташқари Раҳимовга у бошқарган расчётнинг жанговар ишлари тўғрисида кўпгина саволлар берди. Раҳимов бу саволларга аниқ қилиб жавоб берди.

Маршал Раҳимовдан ҳол – аҳвол сўрайди. Раҳимов қисқача қилиб :

- Жуда яхши , - деб жавоб беради.

- Ҳамиша ҳам яхши бўлаверммайди, - деди маршал – шундай пайтлар ҳам бўладики , бироз хафаланиб ҳам оласан, ўз юртингни ўйлайсан. Солдат хизматининг оғирлигини яшириб бўлмайди. Аммо солдат ҳамма қийинчиликларни енгиши керак. Айниқса артиллериячилар моҳирлик кўрсатишлари керак.

- Биз пиёда аскарлар билан бир сафда бормоқдамиз, ўртоқ маршал. Баъзи вақтларда 150 – 200 метр орқада ҳаракат қиламиз.

- Бу маълум, артиллериячиларга офарин!Энди сизга жанговар орденни топширишга рухсат этасиз. Уни шараф билан тақиб юринг.Барча тўпчиларга менинг саломимни етказгайсиз.

- Маршал Раҳимовнинг қўлини маҳкам қисиб ,унинг кўкрагига орден тақди.

Маршал билан бўлган бу учрашувни Абдусаттор Раҳимов умрбод ёдида сақлади. Маршал ҳам “Қизил Ўзбекистон” газетаси муҳарририга ёзган мактубида бу мард ўзбек ўғлонининг фронтдаги жасоратига юксак баҳо берган эди.

Жангчи Руминия, Венгрия, Чехославакияни фашизм асоратидан озод қилишда ҳам иштирок этиб, мардонаворлик кўрсатган эди.

Урушдан сунг қаҳрамонимиз 1945 – 46 йилларда ҳарбий билим юртида, кейинроқ Тошкент партия мактабларида таълим олди.

Наманган шаҳар партия кўмитасида йўриқчи, Задарё туманидаги “Гулбоғ” совхозида партком, Наманган консерва заводи , металл қайта ишлаш комбинати, тикувчилик фабрикаси каби корхоналарда директор, Шаҳар кинотеатрлари маъмурияти бошлиғи вазифаларида ишлади. Машраб номли кинотеатр қурилишига бош – қош бўлди.

Ҳаёт – инсон учун берилган неъмат бўлиб,Абдусаттор Раҳимов ўзининг мардлик ва жасорати билан , эл – юрт ишига камарбасталиги билан ҳаётини шарафларга бўркаб яшади.

Турли раҳбарлик лавозимларида ишлаганАбдусаттор Раҳимов 1992 йил 2 – июнда вафот этган.

Абдусаттор Раҳимов номига кинотеатр қўрилган. Унинг қаҳрамонлиги миннатдор авлодлар хотирасида мангу муҳрланиб қолади.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, санъат бўлимида ҳам Абдусаттор Раҳимовнинг 1979/9 кпда, 60х80 смли ҳажмда мато мойбўёққа Аюбхон Мухторов томонидан чизилган санъат асари мавжуд бўлиб, тадбир ва кўргазмаларда фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Адҳам Раҳмат.Мардлик мангулик.

Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёти. 1970 йил.

2. "Наманган ҳақиқати" газетаси. 1985 йил. 25 сон.

3. "Ибрат" газетаси. 2021 йил. 9 сон.